

Б.А. Тагаев,
и.ф.н., доц., ТМИ

“ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ” ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СИФАТИДА

В статье рассматриваются и анализируются теоретические аспекты теневой экономики, угрожающей государственной безопасности, зарубежный и национальный опыт, а также предлагается предложения по снижению роста теневой экономики.

The article describes and analyzes the theoretical aspects of the shadow economy, threatening national security, international and national experience, as well as the attached proposal to reduce the growth of the shadow economy.

Калитли сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, хуфиёна иқтисодиёт, уюшган жиноятчилик, коррупция, порахўрлик, хуфиёна даромад, нақд пул, электрон тижорат, электрон тўлов, коррупцияни қамраб олиш даражаси.

Жаҳондаги иқтисодий глобаллашув ва иқтисодий-молиявий инқирозлар шароитида, иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар палласида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ривожлантириш ҳар бир давлатнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда, биринчи галда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун унга таҳдид солувчи кучларни бартараф этиш талаб этилади. Асосий иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар орасида кўпроқ аҳамият эгаллагани иқтисодий муносабатларнинг жиноийлашуви, жиноий тизимнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфаатларига бўйсиндириш тенденцияси ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам жиноий хуфиёна (яширин) иқтисодиётни аниқлаш, шаклланишининг олдини олиш ва унинг улушини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чоратадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугунги вазиятнинг ўзи талаб этмоқда.

Ушбу масалани мамлакатимиз олимлари, жумладан, Р.М. Алимов, В.Н. Галкин, З.С. Зарипов, Т.В. Иминов, А.Т. Исаходжаев, И. Исмоилов, Қ. Миражонов, А.А. Ортиқов, Х. Одилқориев, И.Рустамов, З.К. Тошев ва бошқалар хуфиёна иқтисодиётнинг назарий жиҳатлари, унинг иқтисодиётдаги тутган ўрни, асосий хусусиятлари, жараёнларнинг солиқ органлари томонидан баҳоланиши, бозор иқтисодиёти шароитида хуфиёна тадбиркорлик етказадиган зарарлар моҳияти очиқ берилган. Шунингдек, олимларимиз томонидан хуфиёна иқтисодиёт бўйича хориж тажрибаси етарли даражада ўрганилган. Шу билан бирга бугунги кунда жаҳондаги молиявий иқтисодий инқироз, иқтисодиётни эркинлаштириш, маҳаллийлаштириш ва уни модернизациялаш шароитида “хуфиёна иқтисодиёт” ни батафсил таҳлил қилиш ва уни камайтириш йуллари етарли даражада ўрганилмаган.

Хуфиёна (яширин) иқтисодиёт тушинчаси жахон амалиётига XX-асрнинг 30-йилларидан ўрганила бошлади ва 1970-йиллардан унга жиддий эътибор қаратилди. Бу терминга иқтисодчи олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Жумладан, **“хуфиёна (яширин)иқтисодиёт-жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, катта миқдорда қўшимча даромад(фойда) олишни кўзлаб, давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкдан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир.** У ошкор ва расмий иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг таркибий қисмидир. Хуфиёна иқтисодиёт вакиллари ўз фаолиятларида иқтисодий муносабатларда бевосита қатнашмасдан, хўжалик юритиш субъекти бўлмасдан туриб, давлат органларининг “хизмати”дан, моддий-ашёвий омиллари, ишчи кучидан фойдаланилади”[4].

Юртбошимиз Ислом Каримов – **“Жамиятда жиноий “хуфиёна иқтисодиёт” нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирга тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланилади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлари туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир”**[1] деб таъкидлаганлиги ушбу масалани ҳал этиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққий этишидаги аҳамияти нечоғли юқори эканлигини англатади.

Мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб бориши, ўз навбатида, ҳудудда яратилган миллий бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимланишида тенгсизликни келтириб чиқаради. Аҳоли даромадларининг тўғри тақсимланмаслиги, жамиятда ижтимоий муҳитнинг ёмонлашуви, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш механизмларининг кучсизланишига олиб келади. Жамиятда жиноий характердаги фаолиятнинг ҳамда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратиб беради. Мамлакатнинг инвестицион муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Умуман айтганда, “хуфиёна иқтисодиёт”нинг кенгайиши аҳолининг сиёсий ҳокимиятга бўлган ишончини йўқотади. Давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга тўсқинлик қилади[5].

Хуфиёна иқтисодиёт замонавий жиноий тизимларнинг шаклланишига моддий асос бўлади, сиёсий-иқтисодий ўзгаришларга, инқироздан чиқиш, бозор муносабатларига асосланган давлатга айланишга тўсқинлик қилади. Шу ўринда қуйидаги фикрларни таъкидлаш лозимки, “жиноий ёки кўп ҳолатларда “хуфиёна” деб аталувчи иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсади ва ривожланади: у ишлаб чиқариш соҳасидаги қонунларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон-ўзига бек бўлиб олган эди. Чунки унга рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва

таъқиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди”[3].

Хуфиёна иқтисодиётнинг вужудга келиш манбалари жиноий ва жиноий бўлмаган муносабатлардан келиб чиқади (1-расимга қаранг).

Хуфиёна иқтисодиёт, ўз навбатида, коррупцияни вужудга келтиради. Коррупция эса “хуфиёна иқтисодиёт”нинг ривожланиши учун барча имкониятларни яратади. Яъни, - **бир томондан**, “хуфиёна иқтисодиёт” давлат хокимияти ва бошқарувининг барча тизими сезиларли даражада коррупциялашган шарт-шароитда ривожланса, **иккинчи томондан**, “хуфиёна иқтисодиёт” сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро хотиржам ҳолатда мавжуд бўлишини таъминловчи соҳалар билан коррупцияли муносабатларни шакллантиради. **Учинчидан**, коррупция “хуфиёна иқтисодиёт”ни кўзига кўринмасдан, ноқонуний равишда тижоратни олиб боришга мажбур этади. **Тўртинчидан**, коррупция “хуфиёна иқтисодиёт”нинг янги кўриниши ва соҳалар пайдо бўлишига замин яратади. Шу боис коррупцияга қарши курашиш “хуфиёна иқтисодиёт”га қарши кураш билан бирга олиб борилмаса, керакли самарани бермайди”[5].


“Тадқиқотлар натижасига кўра, “хуфиёна иқтисодиёт” вакиллари томонидан топиладиган фойданинг камида 40 фоизи бевосита ноқонуний характердаги муносабатларни сақлаб туришга йўналтирилади[5]. Мухтассар қилиб айтганда, мамлакатда “хуфиёна иқтисодиёт” даражасининг юқорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юқори даражада бўлишига замин яратади келади.

Умуман, хуфиёна иқтисодиётнинг маълум бир давлат мисолида қанчалик даражада ривожланганлигини аниқ белгилаб бўлмайди. Ушбу ҳодисанинг мавжудлиги натижасида юзага келувчи бир қатор омиллар унинг тахминий даражасини мутахассислар иштирокида жаҳон мамлакатларида мавжуд бўлган “хуфиёна иқтисодиёт”нинг улушини аниқлайди. “Ғарб экспертларининг таъкидлашича, мамлакат ЯИМ нинг 40-50 %ини “хуфиёна иқтисодиёт” ташкил этган ҳолат хавфли “бўсаға” ҳисобланади”[5]. Миллий иқтисодий тизими ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакатлар ўзини жуда оғир ҳолатга тушган, деб ҳисоблаши лозим[6].

Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва динамикасини қуйидаги омиллар белгилайди:

- солиқ солишнинг оғирлиги;
- олинадиган даромад миқдори;
- иш вақтининг узунлиги;
- ишсизлик миқёси;
- давлат секторининг роли.

Мутахассисларнинг фикрича, солиқ ва ижтимоий тўловларнинг ЯИМга бўлган нисбати 33% бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишининг кескин нуқтаси ҳисобланади.



Дунёдаги мамлакатларда “хуфиёна иқтисодиёт”нинг ривожланиш тенденцияси унинг ЯИМдаги улуши 1960-йилларда АҚШ-6.4%, Нидерландия – 5,6 %, Франция – 5 %, Германия - 4,6 %, Италия – 4,4 %, Япония, Ирландия ва Швейцария – 1-2 %ни ташкил этган.

1970-йилларда хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичлари Голландия ва Бельгияда(12,1%) авж олганди. Австрия, Франция, Италияда ҳам унинг улуши ортиб борганди. Унинг нисбатан паст улуши Англия, АҚШ, Финландия, Япония ва Швейцария давлатларида кузатилган. 1980 йили Норвегияда хуфиёна даромадларни аҳолининг тахминан 18 %и олган, аҳолисининг 37,5 фоизи хуфиёна иқтисодиёт билан боғлиқ соҳаларда ишлаган[4].

2000-йилларда “хуфиёна иқтисодиёт”нинг ЯИМ даги улушининг энг юқори даражаси МДХ мамлакатларига тўғри келиб, 12-48 %ни ва баъзи маъумотларда эса 25-60 %ни ташкил этган. Иккинчи ўринда ЕИ га аъзо бўлган собиқ ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари кириб, уларда ЯИМ нинг 10-12 %ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган. Бу кўрсаткич Россияда яширин иқтисодиётнинг товар айланмаси ЯИМ нинг 30-40 %ини ташкил этган.

2014 йили Нохукумат халқаро Transparency International (халқаро микёсдаги информაციон очиклик) ташкилот томонидан коррупцияни қамраб олиш индекси (КҚОИ) бўйича йиллик нашри чоп этилган. Ушбу нашрда коррупцияни қамраб олиш индекси 0 (коррупцияга лаёқатлилигининг четки юқори даражаси), 100 баллгача (пастки чегараси), шунингдек нашрда давлат секторида коррупциянинг аҳволи бўйича экспертларнинг баҳоси берилган. Тадқиқот ўтқазилган мамлакатларнинг учдан икки қисмида КҚОИ 50 баллдан кам. Ушбу нашрда Дания давлати 92 балл билан лидерликни сақлаб қолмоқда[7].

Шунингдек, Янги Зеландия(91), Финландия (89 балл), Швеция(87), Норвегия ва Швейцария (86), Сингапур (84), Нидерландия (83), Люксембург (82) ва Канада (81) балларни ташкил этиб, улар биринчи ўнликдаги давлатлар қаторига киришди. Охирги ўринда Шимолий Корея ва Самали давлатлари 8 балли индексга тўғри келади. КҚОИ МДХ худудидаги давлатлар яъний Эстония – 26 ўринда (69 балл), Литва – 39(58), Латвия – 43(55), Грузия – 50(52), Арманистон – 94(37), Молдова – 103(35), Белорусь – 119(31), Озёрбайжон – 126(29), Козоғистон –126(29), Қирғизистон – 136(27), Россия – 136(27), Украина – 142(26), Тожикистон – 152(23), Туркменистон – 169 ўрин (17) баллни ташкил этади[7].

Юқорида келтирилган фактлар шундан далолат берадики, МДХ қирувчи давлатларнинг айримларида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, давлат ҳокимияти тизимини эркинлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини оптималлаштириш ҳамда миллий иқтисодиётга хавф солиши кутилаётган таҳдидларнинг олдини олиш масалалари кун тартибида долзарб бўлиб турганлигини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда Дания, Янги Зеландия, Финландия, Швеция, Норвегия, Швейцария, Сингапур, Нидерландия, Люксембург ва Канада мамлакатларида “хуфиёна иқтисодиёт” ва коррупция ҳам энг паст эканлиги аниқланган[7]. 1970-

1980 йилларда Европа, Америка қитъасидаги давлатларда коррупция, порахўрлик ва яширин иқтисодиёт ривожланган эди. Табиий савол туғилди: қандай қилиб ушбу мамлакатларда яширин иқтисодиётни камайтиришга эришилди?

Бу ҳолатлардан чиқиш учун ҳар бир давлат коррупция ва хуфиёна иқтисодиётга қарши ўз стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиб, зарур қонунлар қабул қилиб ва уларни ҳаётга жорий қилиш ҳамда бошқа кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу иллатларни камайтиришга эришилди.

Ўрганишлар натижасига кўра, жаҳондаги барча мамлакатларда маълум даражада коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиёт мавжуд. Дунё тажрибаси бу иллатни камайтириш мумкинлигини, бироқ уни бутунлай йўқ қила олмаслигини кўрсатади.

Шунингдек, юқорида номлари қайд этилган мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг улуши паст бўлишига нақд пул муомаласидан максимал даражада воз кечиш иқтисодиётда электрон ёки нақд пулсиз тўловлар тизимини кенг жорий қилиш орқали эришилган [5].

Швеция мамлакатада 1961 йилда биринчи бўлиб қоғоз пулларни муомалага киритган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакат раҳбарияти биринчилардан нақд пуллардан воз кечиб, электрон тўловларга ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги кунда ҳаттоки автобусларга чипталар ҳам мобиль тўловлар орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатда пул айланмасининг фақатгина 3%ини нақд пул ташкил этади. Электрон тўлов тизимининг ривожланганлиги фақатгина иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, жинойтчилик даражасининг ҳам камайишига олиб келади[9].

Бугунги кунда Жанубий Кореяда нақд пул айланмасининг энг кам қайд этилган бўлиб, умумий пул айланмасининг бор-йўғи 2 % ини ташкил этган. Шунингдек, электрон тўловлар орқали АҚШда нақд пул айланмаси 7%, Европа мамлакатларида 9%гача камайтиришга эришилди[10].

Хиндистон миллий банкининг маълумотларига асосан, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатда пул айланмасининг 14% ини нақд пуллар ташкил этмоқда. Албатта ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларга нисбатан 2 баробар кўп миқдорни ташкил этади[9].

Россия Федерациясида сўнгги йилларда электрон тўлов тизимини ривожлантириш оқибатида мамлакат ЯИМ нинг қўшимча равишда 30 млрд. АҚШ \$ кўпайишига эришилди[11].

Кўплаб мамлакатларда электрон тўловларни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор чоралар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Жумладан, “Бельгия, Буюк Британия, Италия ва Швецияда нақд пул билан амалга ошириладиган тўловлар миқдори, Жанубий Кореяда эса нақд пул билан кредит миқдори чекланган. Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар, Мексика ва АҚШ да барча солиқларни нақд пулсиз амалга оширишга имконият яратилган. Бельгия, Колумбия, Жанубий Корея ва Мексикада электрон тўлов карточкаларини тўловга қабул қилувчи савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳамда электрон тўлов карточкалари эгаларига солиқ имтиёзлари

белгиланган. Ангола, Гана, Нигерия ва Венгрия давлатларида импорт қилиб олиб келинадиган банкоматлар ва POS терминлар учун божхона божлари бекор қилинган ва бундай қурилмаларни қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.”[12].

Ўзбекистон Республикасида пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга қаратилган фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори асосида иш олиб борилмоқда. “Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 млн.дан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилган. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак”, шунингдек, “давлат ва бошқа манфаатдор тузилмалар электрон тижоратни кенгайтиришга доир таклифларни киритсин ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлансин”[2]. Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу топшириқлари бўйича 2014 йил “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш учун қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва у ўз самарасини бермоқда.

Шу жумладан, “Давлатимизда “2013 йилда электрон савдо-лардан давлат харидлари хажми 417 млрд. сўмни ташкил этиб ва 83млрд. сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди”[2].

2014 йилнинг 9 ойида кичик тадбиркорлик субъектлари электрон биржа савдолари орқали 1,2 триллион сўмлик (ўсиш 1,9 баробар) ўз маҳсулотларини сотди ва 3 трлн.сўмдан зиёд (ўсиш 1,7 баробар) маҳсулот сотиб олинди. Шунингдек, **тадбиркорлик субъектларининг 99% солиқ ҳисоботларини, 94,7% статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқда, бундан ташқари, 280 мингдан зиёд божхона юк декларациялари (умумий миқдорнинг 98,2 %) электрон шаклда расмийлаштирилди**[13]. Ушбу қилинган ишлар мамлакатимизда коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиётни камайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони киши бошига ҳисоблаганда 0,3 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич “АҚШда 5,1. Сингапурда 3,3 та ташкил қилади”[14]. Юртимизда ушбу масалани ҳал этиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бугунги кунда аҳолининг барча қатламлари пластик карточкалар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳа субъектлари тўлиқ миқдорда терминаллар билан таъминланмаганлиги шароитида, кундалик турмушда кўпгина молларни сотиб олди ва хизматлардан фойдаланишда нақд пул билан электрон тўловлар орасида 10-15% тафовутнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ўз навбатида, ушбу ҳолат, биринчидан, иқтисодиётда хуфиёна муносабатларнинг маълум бир

даражада мавжудлигидан далолат берса, иккинчидан у мавжуд бўлиб келаётган “хуфиёна иқтисодиёт” даражасининг янада ортишига олиб келмоқда[5] .

“Хуфиёна иқтисодиёт”га қарши курашишда давлат томонидан қабул қилинган қонунларнинг ҳам аҳамияти катта. Иқтисодий соҳадаги қонунчиликни ривожланиши иқтисодий жиноятларга нисбатан масъулиятни кучайтиришга даъват этади. Бунга мисол қилиб, 30-40 йилларда қабул қилинган қонунларни келтириш мумкин. Уларда барча ҳатти-ҳаракат учун жинойий жавобгарлик назарда тутилган.

Қонунчиликни ривожлантиришнинг кейинги босқичи XX асрнинг 70-80-йилларига тўғри келади. Бу даврда барча ривожланган мамлакатларда иқтисодий жиноятчиликка қарши махсус қонунлар қабул қилинди, мавжудлари қайта кўриб чиқилиб, жазоларни оғирлаштириш томонга ўзгартирилди. Хусусан, АҚШда “Товар айирбошлаш тўғрисида”ги (1976й.), “Банк жамғармалари сири тўғрисида”ги(1974й.), “Жиноятчиликни назорат қилиш тўғрисида”ги (1976й.), “Халқаро коррупция тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни таъкидлаш мумкин[4].

Германия (ГФР)да 1974 йили кўпгина ҳуқуқбузарликларга нисбатан жинойий жавобгарлик белгиланган, “Ноҳалол рақобат тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилган. 1976-1986 йиллари кейинчалик Жиноят кодексига қўшилган иқтисодий жиноятларга қарши кураш қонунлари қабул қилинган.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш чора-тадбирлари хусусида сўзлаганда, назарда тутиш керакки, бирор-бир мамлакатда шу кунга қадар уларга қарши курашишнинг комплекс дастури ишлаб чиқилмаган. Мавжуд дастурлар ё чекланган ёки кўз-кўз қилиш учун ишлаб чиқилган[4].

АҚШда иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликка тортишнинг умуммиллий стратегияси ишлаб чиқилмаган. Бундай жиноятлар содир этилгани учун таъкиб қилишга бир хил ёндашув йўқлиги шунда кўринадики, маъмурий органлар маҳкама томонидан белгиланган нормаларни бузганда, корпорацияларнинг катта миқдордаги фирибгарлик операцияларни амалга оширгани аниқланса ҳам, уларга нисбатан бундай фаолиятни тўхтатиш ёки маъмурий огоҳлантириш тўғрисидаги буйруқлар чиқарилади. Натижада кўплаб жиноятлар суд босқичига етиб бормайди.

1968 йили ГФРда иқтисодий жиноятларни ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилган. Бу орган томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга мувофиқ, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича махсус прокурорнинг ҳудудий бюроси ташкил этилган. Шу билан бирга иқтисодий жиноятларни кўриб чиқадиган ихтисослашган судлар, ҳамда иқтисодий назоратни амалга оширувчи махсус полиция хизмати тузилиб самарали фаолият юритган [4].

Дунёдаги мамлакатларда коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш бўйича тажрибалар етарли даражада тўпланган. Тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш орқали ўз мамлакатадаги шарт-шароитларни тўлиқ ҳисобга олмай, кўр-кўрона амалда қўллаш ижобий натижалар бермайди. Шунинг учун ҳам, ҳорижий давлатларнинг тажрибаларини чуқур ўрганиш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва уни

ривожланиш тенденциялари, халқларнинг маҳаллий урф-одатлари ва менталитетини билиш ва бошқа омилларни чуқур таҳлил этган ҳолда хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш бўйича тизимли ишлар амалга ошмоқда. Шу жумладан, қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга коррупция ва жинойатчиликка қарши кураш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шакллланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 29 октябрда қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш билан ҳуқуқий меъёрий ва механизмларини такомиллаштириш дастури тўғрисида”ги фармойиши асосида ушбу йўналишдаги ишлар яна такомиллаштирилмоқда[15].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 14-ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ташаббуси билан тайёрланган, коррупцияга қарши кураш юзасидан қатор қўшимча чора-тадбирларни, шу жумладан, бу соҳада халқаро ҳамкорлик таъминланишини назарда тутувчи БМТнинг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк 2003йил 31 октябр) сига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди. Мазкур қонун давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 7 июлда имзоланди ва кучга кирди[15].

Божхона органларида бу борада кенг камровдаги чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Хусусан, божхона соҳасида коррупция ҳолатларининг ҳамда шахсий таркиби томонидан қонунбузарликка йўл қўйишнинг олдини олиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Айни пайтда божхона комплекси ва постлари огоҳлантирувчи кўргазмали, антикоррупция плакатлари жойлаштирилган. Мазкур мавзудаги видео роликлар ҳамда “ишонч телефон”лари ташкил қилинган. Шунингдек, барча вазирлик, қўмита ва бошқа ташкилотларда кўплаб шу каби ташкилий ишларни амалга оширилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Фикримизча, коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олиш ва унга қарши курашда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиётни ривожлантиришга сабаб бўлаётган барча омилларни комплекс ўрганиш бўйича махсус комиссия тузиш;
- коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиёт олдини олиш маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида яширин иқтисодиётга қарши кураш миллий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- яширин иқтисодиётни пасайтиришга хизмат қиладиган янги қонунлар ишлаб чиқиш ва мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- электрон ҳукумат, тижорат, хизмат, тўлов ва шу кабиларни тез ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этишни йўлга қўйиш;

- даромадларни легаллаштиришга қулай шароит яратиш учун солиқ солинадиган базани қисқартириш, фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш учун сарфланадиган қисмини солиқ престоидан озод қилиш, солиқ оғирлигини ишлаб чиқариш соҳасидан жисмоний шахсларни шахсий истеъмоли соҳасига ўтқазиш;

- аҳолининг маънавий салоҳиятини, ҳуқуқий савиясини ҳамда аҳолининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўйича имунитетини ошириш ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, юқоридаги коррупция, порахўрлик ва хуфиёна иқтисодиётни камайтириш бўйича берилган таклифлар амалга оширилса, албатта, жамиятда бундай иллатлар камаяди ва бу ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққий этишига кафолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -326б.

2. Каримов И.А. 2014йил – юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //Халқ сўзи. 2014йил 18январ.

3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998.-90б.

4. Ортиқов А.А., Исаходжаев А.Т., ШестаковА.В. Хуфиёнаиқтисодиёт: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. 175 б.

5. Алимов Р.М., Тошев З.К. “Хуфиёна иқтисодиёт” - коррупция даражасининг ортишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида. //Жамият ва бошқарув. 2014.№1. 34-38б.

6. Transparency International: Индекс восприятия коррупции 2013 года. <http://gtmarket/ru/news/2013/12/03/6442/>

7.Интернет сайт<http://www.gazeta.uz>

8. Интернет сайт<http://www.12news.uz>

9. Швеция откажется от наличных. 28.12.2012. <http://www.e-moneynews.ru/elektronnye-platezistimuliruyut-rost-rossijskoj-ekonomiki/>.

10. Храмов А. Сумеречная зона. Теневой оборот в Казахстане превышает 30 млрд. долларов. 21.07.2012 <http://www.centrsia.ru/newsA.php?st=1342852500>

11. Электронные платежи повышают эффективность и прозрачность. www.nbj.Ru.

12. Обзор сферы использования наличных денег в Российской Федерации и зарубежных странах. - М.: Банк Россия. 2011.С.22. http://www.cbr.ru/today/payment_system/analytics/survey.pdf (08.10.2012).

13. Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. // Халқ сўзи 2014 йил 1 ноябрь.

14. Рынку безналичных платежей необходимо прозрачное госрегулирование. <http://economics.unian.net/rus/detail/74130>.
15. Интернет сайт <http://www.uza.uz>.